



**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSTITUTI  
BUYRUQ**

Toshkent, sh.

«15» 03 2022 у. № 95

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигидаги 2021 йилнинг 16 июнь куни ўтказилган 34-сонли йиғилиш баёни айрим бандларини ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигидаги 2021 йилнинг 16 июнь куни ўтказилган 34-сонли йиғилиш баёнининг 2, 3, 10-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йилнинг 16 июнь куни ўтказилган 34-сонли йиғилиш баёнининг 2, 3, 10-бандлари ижро учун қабул қилинсин.

**Қуйидагилар:**

-Ўқув ишлари проректори К.Н.Хаитов, Илмий ва инновацион ишлар проректори С.С.Гулямов, деканлар, бўлим бошлиқлари ва маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими “Даволаш иши”, “Касб таълими”, “Педиатрия иши”, “Тиббий биология”, “Халқ таъбири”, “Олий хамширалик иши” таълим йўналишларнинг, шунингдек магистратура ва клиник ординатура (резидентура) талабаларни тиббиёт муассаларига ишга тақсимот қилиш ҳамда уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш ва мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳ 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

-ТПТИ талабаларни ва битирувчиларини ишга тақсимлаш уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш ва бандлигини мониторинг қилиш бўйича “CAREER CENTER –ТПТИ” тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

-Талабаларни ва битирувчиларни бандлигини таъминлаш бўйича ягона “Ишга жойлаштириш стратегияси ” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

-Потенциал иш берувчи, таълим берувчи ва “CAREER CENTER –ТПТИ” тизими ёрдамида ўзаро ҳамкорлик элементлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Ишлар бошқарма бошлиғи А.А.Носировга** - “CAREER CENTER – ТПТИ”га хона ажратилиб (интернет, компьютер комплекти, офис мебель жихозлари ва хоказолар) билан таъминлансин.

**3. Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими Б.Уллиевга:**

- “CAREER CENTER –ТПТИ” - WWW.TASHPMI.UZ веб сайти орқали фаолияти кенг ёритилиши, иштирокчиларга семинар тренинг, дастур фойдаланувчиларга методик кўлланма, талабаларга меҳнат бозорида мос вакансиялар излаш ва иш берувчилар билан суҳбатдан ўтиш усулларини ўргатиш бўйича билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида “Карьерани режалаштириш” номли махсус (онлайн) курс ташкил этиш вазифалари юклансин, презентация тақдимоти жорий йилнинг май ойига қадар якунласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Илмий текшириш институтлари, Илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлар директорлари ҳамкорлигида корхона ва ташкилот вакилларини ҳар ойда камида 2 маротаба келиб талабаларни селекция ишларини амалга оширишлари учун тегишли шарт шароитларни яратиш.

кўрсатилган вазифаларнинг ижро этиш, муддатларига бажариш, талаба контингенти ҳамда битирувчилар ҳақида маълумотларни расмийлаштиришда 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сонли “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунга амал қилиш белгилансин;

**4. “CAREER CENTER –ТПТИ” нинг асосий вазифалари (йўналишлари)** сифатида қуйидагилар этиб белгиланишига алоҳида эътибор қаратсин:

талабаларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари, меҳнат бозорида мос вакансиялар излаш кўникмалари, ишга кириш учун резюме тайёрлаш ва иш берувчи билан суҳбатдан ўтиш усулларини ўргатиш, ишга кириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар билан таништириш;

тиббиёт тармоқининг илғор мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда талабаларни касбга йўналтириш, меҳнат бозоридаги мавжуд ва истиқболдаги ҳолат, муайян касбга, иш жойларига ва иш берувчиларга, истиқболли корхоналарга оид замонавий маълумотлар билан таништириш;

меҳнат органлари, таълим муассасалари, манфаатдор идоралари ва ташкилотлар иштирокида иш ўринлари ярмаркалари, карьера кунларини ташкил этиш ва талабаларни келажакда касбий фаолиятга қизиқишларини кучайтирувчи тадбирларни амалга ошириш;

олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, мазкур олий таълим муассасасини муқаддам тамомлаган битирувчиларнинг ҳозирги меҳнат фаолияти (карьераси) тўғрисида ҳамда ушбу йўналишдаги бошқа таҳлилий материалларни тайёрлаш ва нашр қилиш.

5. Бош ҳисобчи Х.Марданов ҳамда режа-молия бўлими Б.К.Наркуловга “CAREER CENTER –ТПТИ” фаолиятига маъсул бўлган ҳодимларга бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар бериб бориш.

6. Ўқув ишлари проректори К.Н.Хайтовга “CAREER CENTER –ТПТИ”нинг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишлари юклатилсин.

2. 7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман

Ректор



Б.Т.Даминов



**КИРИТИЛДИ:**

Маркетинг ва талабалар амалиёти б/б

Б.Ю.Уллиев

**КЕЛИШИЛДИ:**

Ўқув ишлари проректори

К.Н.Хаито

Илмий ишлар ва инновация  
бўйича проректори

С.С.Гулямо

1 Педиатрия ва ҳалқ табобати декани

А.А.Рахматуллаев

2 Педиатрия ва тиббий биология декани

Д.Т.Ашуров

Даволаш иши ва Касбий таълим факультет декани

А.Р.Валиев

Олий хамширалик иши декани

Ш.Т. Мухаммеджанов

Магистратура бўлими бошлиғи

Ш.С.Абдуллаев

Клиник ординатура бўлими бошлиғи

А.А.Рахматуллаев

Ишлар бошқарма бошлиғи

А.А.Носиров

Режа-молия бўлими

Б.К.Наркулов

Бош ҳисобчи  
Юрист

Х.Марданов  
С.В.Горюнова

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРНИ ВА  
БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ТАҚСИМЛАШ, УЛАРНИ ИШГА  
ЖОЙЛАШТИРИШДА КЎМАКЛАШИШ ВА БАНДЛИГИНИ  
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
“CAREER CENTER-ТПТИ”  
ТУҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон “Тиббиёт кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисидаги”ги Қарорига мувофиқ, бакалаврият, магистратура ва клиник ординатуранинг таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шаҳар) оилавий поликлиникаларига электрон дастур орқали ишга йўллаш ва мониторинг қилиш ҳамда олий тиббий таълим муассасалари талабаларининг маълумотлар базасини шакллантириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул туғрисида” 2005-йил 2-июндаги ПҚ-92-сон, “Республика олий таълим муассасаларига қабул параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чоралари туғрисида” 2015-йил 23-июндаги ПҚ-2360-сон ҳамда “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон ва «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари туғрисида» 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг узлуксиз касбий таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизими органлари ва муассасаларининг малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021-йил 11 октябрдаги 431-сон буйругига талабалари ва битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги талабалар ва битирувчиларни бандликка кўмаклашиш “Career Center-ТПТИ” Марказининг мақсад ва вазифаларини белгилайди.

2. “Career Center-ТПТИ” Марказининг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори зиммасига юкланади.

## **2-боб. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар**

3. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси” ҳамда 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сонли “Тиббий кадрлар малакасини оширишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

## **3-боб. Низомда қўлланилган асосий тушунча ва қисқартмалар**

4. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилган:

- **иш билан таъминлаш** – тиббиёт олий таълим муассаса талабалари ва битирувчиларига уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тизими;

- **меҳнат ярмаркаси** – ишга жойлашиш истагида бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари ва битирувчилари ҳамда иш берувчилари ўртасида ишга жойлашиш (қабул қилиш) мақсадида ташкил этилган махсус тадбирлар мажмуаси;

- **буюртмачи-корхона** - ушбу Низомда кўрсатилган хизматлар доирасида тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилиш мақсадида, “Career Center–ТПТИ”га мурожаат қиладиган юридик шахс;

5. Ушбу Низомда қуйидаги қисқартирмалар қўлланилган:

**ТПТИ** - Тошкент педиатрия тиббиёт институти;

**“Career Center-ТПТИ”** муассаса талабалари ва битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи марказ;

**ТОТМ** - тиббиёт олий таълим муассаси;

**ИТИ** – Илмий-тадқиқот институти;

**РИИАТМ** - Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази;

**ОШП ва ОП** -оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларига

## 2-боб. Бўлимнинг мақсад ва вазифалари

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон қарорига 1-илова – Бакалавриятнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга йўллаш тартиби тўғрисида Низом талабларини ва қонун ҳужжатларига мувофиқ иш юритиш.

4. Олий таълим муассасасида тайёрланаётган олий маълумотли кадрларга корхона, муассаса ва ташкилотларнинг эҳтиёжини ўрганиш асосида маълумотлар базасини шакллантириш.

5. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича талаба ва битирувчиларга талаб ва таклифлар нисбатини ўз ичига олган ҳолда таълим хизматлари истеъмолчилари (иш берувчи корхоналар, турли мулкчилик шаклига эга булган ташкилотлар - давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.) тузилмасини баҳолаш, географик жойлашишини аниқлаш ва гуруҳлаш, потенциал имкониятларини таҳлил қилиш орқали тулиқ маълумотлар банкни яратиш.

6. Талабаларга меҳнат бозорида мос вакансиялар излаш ва иш берувчилар билан суҳбатдан ўтиш усулларини ўргатиш бўйича билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Карьерани режалаштириш” номли махсус (онлайн) курс ташкил этиш ва амалга ошириш.

7. Талабаларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари, меҳнат бозорида мос вакансиялар излаш кўникалари, ишга кириш учун резюмега тайёрлаш ва ишга кириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар билан таништириш.

8. Соғлиқни сақлаш тизимидаги илғор мутахассисларни ва экспертларни жалб қилган ҳолда талабаларни касбга йўналтириш, меҳнат бозоридаги мавжуд ва истиқболдаги ҳолат, муайян касбга, иш жойларига ва иш берувчиларга, истиқболдаги корхоналарга оид замонавий маълумотлар билан таништириш.

9. Манфаатдор идоралар ва ташкилотлар иштирокида иш ўринлари ярмаркалари, карьера кунларини ташкил этиш ва талабаларни келажакда касбий фаолиятга кизиқишларини кучайтурувчи тадбирларни амалга ошириш.

10. Олий таълим муассасинининг мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, мазкур олий таълим муассасининг илгари тамомлаган битирувчиларнинг ҳозирги меҳнат фаолияти (карьераси) тўғрисида ҳамда ушбу йўналишдаги бошқа таҳлилий материалларни тайёрлаш ва нашр қилиш.

11. Тайёрланаётган кадрлар сифатини оширишга тааллуқли долзарб масалаларни олий таълим муассасасининг Кенгашларида муҳокамага қуйиш учун киритиш, бу борада олий таълим муассасасининг тегишли бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

12. Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш ва давлат гранти асосида битирувчиларни ишга тақсимлаш мониторингини юритиш.

13. Олий таълим муассасалари талабалари ва битирувчиларини ишга жойлашиш жараёнларини тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш.

14. Таълим соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, ёш мутахассисларга бўлган талаб кўрсаткичлари асосида битирувчи бакалавр ва магистрлар учун реал “бююртмалар портфели”ни шакллантириш.

15. Олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги муассаса, корхона ва ташкилотларининг кадрларга бўлган реал эҳтиёжлари қондирилишига олий таълим муассасаси фаолиятини йуналтириш.

16. Республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқларида бакалаврият йуналишлари ва магистратура мутахассисликлари буйича рақобатли таълим хизматларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган хизматлар бозори конъюктурасининг ўзгаришини таҳлил қилиб бориш ҳамда янгича ривожланиш йуналишларини белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

17. Олий таълим тизимида тез ўзгарувчанлиги ва меҳнат бозори ривожланиш динамикаси билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда потенциал иш берувчилар (истеъмолчилар) билан ҳамкорликда республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларининг олий маълумотли ёш мутахассисларга булган эҳтиёжини ҳудудлар буйича ўрганиш.

18. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг жорий ва истиқболли ривожланиш дастурларининг талаб-эҳтиёжлари асосида, биринчи навбатда, юқори ва инновацион технологиялар соҳасида янги таълим йуналишлари ва мутахассисликлари буйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашни йулга қуйиш буйича таклифлар ишлаб чиқиш.

19. Мутахассис кадрлар тайёрлашда манфаатдор ташкилотлар билан узаро ҳамкорлик ва алоқа урнатиш, жумладан, корхона, ташкилот ёки муассаса маъмуриятининг тайёрланаётган кадрлар сифати ва салоҳияти тугрисидаги фикрларини урганиб бориш.

20. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш йуналишлари ва таълим хизматлари бозори борасидаги бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларида иштирок этади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш буйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

21. Ёш мутахассислардан кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилишига кумаклашиш.

22. Кадрлар тайёрлаш жараёнида бююртмачиларнинг кадрлар сифатига доир талабларини олий таълим муассасаси кенгашида муҳокама қилиш.

23. Белгиланган муддатларда Олий ва урта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларининг жорий йилдаги битирувчилари тугрисида таълим йуналишлари (мутахассисликлар), ишга йулланадиган вазирлик, идора (корхона ва ташкилотлар) ҳамда ҳудудлар кесимида шакллантирилган маълумотларни тақдим этиб бориш.



24. Меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш, қабул параметрларига таклифларни истеъмолчиларнинг битирувчиларга бўлган буюртмалари асосида шакллантириш, қабул, талабалар контингенти, битирувчиларни ишга йуналтириш тўғрисидаги олий таълим муассасасининг маълумотлар базасини ташкил этишга доир ҳужжатларни уз вақтида Олий ва урта махсус таълим вазирлигига тақдим этиб бориш.

25. Талабалар амалиётини ташкил этиш бўйича клиник базалари, давлат ва нодавлат тиббий муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва шартномалар расмийлаштириш.

26. Талабалар амалиётини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълимда амалиётни ўтказиш тартиби ва тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари, тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-амалиёт базалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2019 йил 13 ноябрдаги №279 сонли буйруғи асосида тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари талабаларининг амалиётини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом асосида амалга ошириш.

### **3-боб. “Career Center –ТПТИ” раҳбари лавозим вазифалари**

25. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этади.

26. “Career Center –ТПТИ”да Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлайди.

27. Маркетинг хизматини ривожлантириб, таълим йўналиши ва ихтисосликларга талаб ва эҳтиёжни ўрганишни, талаба ва битирувчиларни амалда ишга жойлашиши таҳлилини, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш борасида ҳамкорлик шартномалари тузишни ташкил этади.

28. ТПТИ Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими асосида “Career Center –ТПТИ” ташкил этилади ва раҳбар тайинланади.

29. “Career Center –ТПТИ” раҳбари лавозимига тиббий олий маълумотга эга ва мутахассислик бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлган ходим ишга қабул қилинади, раҳбар лавозимига тайинлаш ва ундан озод қилиш институт илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор тавсиясига асосан ректори буйруғи асосида амалга оширилади.

30. ТОТМлари, ИТИлари ҳамда РИИАТМлар ўртасида имзоланган пуллик хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома расмийлаштиради ҳамда уларга дастурий ишланмани ўрнатиш бўйича янги технологиялар асосида жорий этишда кўмаклашади ва тегишли мъёрий ҳужжатларни расмийлаштиради, дастурий ва техник ишланмаларни амалиётга жорий этишда асосланган хулосалар тайёрлайди ва тақдим этади.

31. Республикада инновацион лойиҳаларини ва бандликка оид турли тадбирларини (ярмарка, семинар, форум, давра суҳбатлари) ташкил этишда иштирок этади.

### **3-боб. Бўлимнинг тузилиши ва молиявий таъминланиши**

32. Бўлим ходимларининг сони олий таълим муассасаларининг намунавий штатлари асосида белгиланиб, раҳбарликни бошлиқ амалга оширади. Бўлим ходимларининг штат жадвали белгиланган тартибда ректор томонидан тасдиқланади.

33. Бўлим ходимларининг иш ҳақи (разряд)лари олий таълим муассасаси учун белгиланган лавозимлар миқдоридан тасдиқланади ва бўлимнинг иш натижаларига кўра, ректор томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан устама белгиланиши мумкин.

### **4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш**

34. Бўлим туғридан-туғри олий таълим муассасаси ўқув ишлари проректорига буйсунади.

35. Бўлим ўз фаолияти натижалари бўйича олий таълим муассасаси илмий Кенгашида ҳар йили камида бир марта ҳисобот беради.

36. Бўлим тегишли маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда Соғлиқни сақлаш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тақдим этади.

37. Бўлим фаолияти Соғлиқни сақлаш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан мувофиқлаштирилади ва ўрнатилган тартибда назорат қилинади.

### **5-боб. “Career Center-ТПТИ” орқали бандлигини таъминлаш механизми**

38. Тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларини ишлаб бериш учун тақсимлаш, уларга ишга жойлаштирилишда кўмаклашиш ва бандлигини ҳисобини юритиш, шунингдек, ТПТИ талабаларининг вақтинча иш билан таъминлаш соҳаларида барқарор ва самарали фаолият олиб бориш бўйича, “Career Center-ТПТИ” қуйидагиларни амалга оширади:

39. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда барча давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари билан ўзаро алоқаларни ўрнатган ҳолда, жойлардаги тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёж ва мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар асосида “Career Center-ТПТИ” талабалари ва битирувчилари учун бўш иш ўринлар маълумотлар базасини шакллантиради;

40. ОШП ёки ОПлардаги мавжуд бўш иш ўринлари битирувчиларнинг доимий яшаш жойи бўйича “Career Center-ТПТИ”да тақсимланади, уларга ишга жойлаштирилишда кўмаклашади ва битирувчиларнинг бандлиги доимий равишда мониторинги юритилади;

41. 3 ва 4 томонлама шартномани тузишда битирувчининг яшаш жойи бўйича тузилганлигини, шартномада кўрсатилган иш жойи ва шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилади;

42. Талабалар ва битирувчиларни иш билан таъминлаш тўғрисида эълон қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан электрон нашрлар, сайтлардан фойдаланади;

43. ТОТМ, ИТИ ва РИИАТМларнинг буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш мониторинг бўлимлари билан талабалар ва битирувчиларга тавсиялар, тавсифномалар бериш, суҳбат ва мулоҳазалар олиб бориш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади;

44. “Career Center-ТПТИ” марказига мурожаат этган барча талаба ва битирувчиларга сўровномаларни ва резюмеларни тўлдириш бўйича маслаҳат беради, тўлдирилган анкеталар ва резюмеларни қабул қилиб, уларни иш берувчиларга юборади;

45. Меҳнат ярмаркаларини, шу жумладан бандлик соҳасида тегишли мавзулар бўйича конференциялар ва семинарлар ташкил этади, талабалар ва битирувчиларга вилоят, туман ва шаҳар кесимида тор мутахассислар бўйича эҳтиёж тўғрисида [www.medcareer.uz](http://www.medcareer.uz) сайт орқали маълумот тақдим этади, иш берувчининг касбга оид талабларни ишга жойлашувчига етказди ҳамда иш жойига мослашиш бўйича маслаҳатлар беради;

46. Меҳнат бозоридаги тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, ёш мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака оширишига амалий ёрдам беради;

47. Халқаро ва миллий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ТОТМ талабалари ва битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади.

48. “Career Center-ТПТИ” самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари таркибий бўлинмалари давлат гранти ва тўлов-контракти асосида бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура (мақсадли) талаба ва битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни “Career Center-ТПТИ” электрон дастурига киритиб боради.


## **5-боб. Яқунловчи қоида**

31. Бўлим фаолиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**ТПТИ талабаларни тиббиёт муассаларига ишга тақсимот қилиш ҳамда  
уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ маъсул  
ходимлар рўйхати**


№	Лавозим	Маъсул	Тел рақами
1	Ёшлар билан ишлаш проректори	М.А.Ахмедова	94 637 74 56
2	Ўқув ишлари бўйича проректор	К.Н.Хаитов	90-167-41-50
3	Илмий ва инновация ишлари бўйича проректори	С.С.Гулямов	90 355 03 02
4	1-Педиатрия факультети ва халқ таълим декани	А.А.Рахматуллаев	90 355 48 78
5	2-Педиатрия ва тиббий биология факультети декани	Д.Т.Ашурова	98 368 79 00
6	Даволаш иши ва Касбий таълим факультет декани	А.Р.Валиев	90 958 48 91
7	Олий хамширалик иши декани	Ш.Т.Мухаммеджанова	90 322 33 75
8	Магистратура бўлими бошлиғи	Ш.С.Абдуллаев	94 640 07 06
9	Клиник ординатура бўлими бошлиғи	А.А.Рахматуллаев	90 188 84 32
10	Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими бошлиғи	Б.Ю.Улликеев	97 155 35 03

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ



Потенциал иш берувчи, таълим берувчи ва “CAREER CENTER –ТПТИ” тизими  
ёрдамида ўзаро ҳамкорлик элементлари


Тиббиёт олий таълим ва илмий-  
тадқиқот муассасалари



Вазирлик, идора ва  
ташкилотлар



Давлат ва нодавлат  
тиббиёт муассасалари



ТПТИ талаба ва битирувчилари

# ТАЛАБАЛАРГА ИШГА ЖОЙЛАШИШДА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ЁРДАМ КЎРСАТИШ АЛГОРИТМ ХАРАКАТЛАРИ СХЕМАСИ

